SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences

Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Jild 3, Son 10

2023

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SP1342V3I10Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ 10 (3)-2023***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа октори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: sciencepr0blems.uz@gmail.com
Телеграм канал:
https://t.me/scienceproblems_uz

## *МУНДАРИЖА*


**07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

*Фарманова Гулнара Комилевна*
МЕТОДЫ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО СОГДА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА ........ 9-18

*Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ҲУЖЖАТЛАРИДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР (XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ ОХИРИ–30-ЙИЛЛАР БОШИ) ........ 19-26

*Ахмедов Шахзод Фарход ўғли*
МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРИ ........ 27-34

*Mirsoatova Sayyora Turgʻunovna*
MARKAZIY FARGʻONA NEOLIT JAMOALARI MADANIYATI HAQIDA MULOHAZALAR ........ 35-39

*Янгибоева Дилноза Ўктамовна*
МУҲАММАД ШАРИФЖОН МАХДУМ САДРИ ЗИЁНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ ........ 40-48

*Маҳмудов Эркинжон Асқаралиевич*
АРАБЛАР ТОМОНДАН ФАРҒОНАНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ ........ 49-53

*Yoriqulov Nasibulla Xoliyorovich*
OʻZBEKISTON HUDUDIGA GʻARB MEʼMORCHILIK ANʼANALARINING KIRIB KELISHI ........ 54-58

*Ergasheva Bahridil Gʻolibjonovna*
IJTIMOIY TARMOQLARDAGI REKLAMALARNING IJTIMOIY-MAʼNAVIY HAYOTGA TAʼSIRIGA DOIR MULOHAZALAR (ETNOSOTSIOLOGIK TAHLIL) ........ 59-65

*Абдухамидов Исломбек Абдухалим ўғли*
МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР........ 66-74

*Boltayeva Moxichehra Jamshid qizi*
XORIJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH BOʻYICHA AMALGA OSHIRILGAN ISHLAR VA ERISHILGAN KOʻRSATKICHLAR (JIZZAX VILOYATI MISOLIDA) ........ 75-80

*Кандахаров Анваржон Хасанович, Бабаярова Шахноза Шухратовна*
БУХОРО ХОНЛИГИДА АБДУЛЛАХОН II ДАВРИНИНГ ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР ........ 81-86

**8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

*Boltayev Nurali Shiramatovich*
AGRAR OLIY TAʼLIM MUASSASALARIDA MALAKALI KADRLAR TAYYORLASHNING BOSHQARUV SAMARADORLIGINI OSHIRISH YOʻLLARI ........ 87-93

*Дустова Мухайё Худайбердиевна*
РОСТ, УСТОЙЧИВОСТЬ, ДОХОДНОСТЬ: ЭКОНОМЕТРИКА ФИНАНСОВЫХ ПОТОКОВ НА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ ........ 94-102

*Ravshanov Malik Naimovich*
METHODOLOGY FOR DETERMINING THE NEED FOR ECONOMIC RESOURCES OF THE ROAD TRANSPORT COMPLEX........ 103-108

*Xushmuradov Oman Namozovich*
TIJORAT BANKLARI MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI ........ 109-115

*Raximjonov Kamronbek Ilxomjon o'g'li*
DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA KORRUPSIYANI OLDINI OLISH ........ 116-121

## 09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

*Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна*
АКАДЕМИК ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ИЛМИЙ ЖАСОРАТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ ........ 122-128

*Talapov Baxriddin Alijanovich*
KONSTITUTSIONIZM DEMOKRATIK RIVOJLANISHNING ASOSI SIFATIDA ........ 129-134

*Tajibaev Muxiddin Abdurashidovich*
JAMIYAT HAYOTIDA SINERGETIK DUNYOQARASH PARADIGMASINI TADQIQ QILISHNING AHAMIYATI ........ 135-140

*Солиев Икромжон Комилжонович*
РАҚАМЛИ ДУНЁДА ИНСОН ҚАДРИ МУАММОСИ: ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН ........ 141-147

*To'xtayev Xakim Primovich*
TASAVVUF TA'LIMOTLARIDA QADRIYATLAR TRANSFORMATSIYASINING NAMOYON BO'LISH XUSUSIYATLARI ........ 148-153

*Уразалиева Гулшада*
СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КАТЕГОРИИ «ГЕНДЕР» В СИСТЕМЕ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ ........ 154-160

*Гуламова Мавжуда Ташпулатовна*
ИЖТИМОИЙ АХЛОҚ МЕЗОНЛАРИНИ ЎРГАНИШДА КУМУШХОНАВИЙ ВАСИЯТНОМАЛАРИНИНГ ЎРНИ ........ 161-167

*Xoliqov Lazizjon Maxmud o'g'li*
GLOBAL O'ZGARISHLAR SHAROITIDA O'ZBEKISTONNING IJTIMOIY-DUNYOVIY DAVLAT SIFATIDAGI MAQOMI (IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLIL) ........ 168-172

*Quvonov Sardor Zokirovich*
MA'NAVIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISHDA "MANOQIBI SHAYX XUDOYDOD VALIY" ASARINING AHAMIYATI ........ 173-178

## 10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

*Халметова Меҳрибону Гайратжоновна*
ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕТСКОЙ ЛЕКСИКИ В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ ........ 179-186

*Abdijabbor Amanov*
MURAKKAB SINTAKTIK BUTUNLIKNING MATNNING KATTA BIRLIGI SIFATIDA O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ........ 187-193

*Umarova Xurshida Zikiryoxonovna*
AQSH ADABIYOTIDA PSIXOLOGIK ROMAN TADRIJI ........ 194-201

*Odinayev Bekqul Imamqulovich*
LISONIY SHAXS: TA’RIF, TAHLIL, TALQIN ........ 202-210

*Jaloliddin Jo‘rayev, Jamoliddin Jo‘rayev*
“DEVONI LUG‘ATIT-TURK” VA “GULSHAN UL-ASROR”DAGI QADIMGI TURKIY SO‘ZLAR QIYOSI ........ 211-217

*Saidov Akmal Azimovich*
“TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI” YO‘NALISHIDA TAHSIL OLAYOTGAN TALABALARDA MADANIYATLARARO MULOQOT KO‘NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH ........ 218-224

## 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

*Qosimov Botirjon Ma’rufjon o‘g‘li*
SUDYALAR OLIY KENGASHINI SUDYALARNING CHINAKAM HAMJAMIYATI ORGANIGA AYLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY MASALALARI ........ 225-231

*Жўраев Дилмурот Мухторович*
МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ЭТИШДА КЕЛИШУВ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР ........ 232-240

*Эшонхонов Камолхон Маматхонович*
БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАСАРРУФ ЭТИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР........ 241-246

*Бўриев Одил Қобилович*
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ МЕЗОНИДИР ........ 247-253

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Umarzoda Shohruh Azamat o‘g‘li*
“ALGORITMIK TILLAR VA DASTURLASH ASOSLARI” FANI MAZMUNI VA O‘QITISHNING MAVJUD HOLATI ........ 254-259

*Эргашева Гули Исмоил кизи, Инамова Гуллола*
ЗНАЧИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ФОНЕТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В ПРОЦЕССЕ КОММУНИКАЦИИ........ 260-265

*Bobomurotov Sirojiddin Mengziyo o'g'li*
BOSHLANG'ICH SINFLARDA TABIIY FANLARNI VARIANTIV TUSHUNCHALAR ASOSIDA O'QITISHDA SHARQ MUTAFAKKIRLARINING O'RNI ........ 266-271

*Xudoyberdiyev G'iyosiddin Baxtiyor o'g'li*
BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARDA SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK JIHATLARI ........ 272-277

*Ботиров Азизбек*
РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ: АНАЛИЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ ........ 278-283

*Эшбеков Сардор Журакулович*
ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ........ 284-288

*Abdullaeva Feruza Suyunovna*
KASBIY TERMINOLOGIYANI O'RGATISHDA INTERAKTIV TEXNOLOGIYALARNING O'RNI ........ 289-293

*Ortiqov Oybek Rustamovich*
OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING TASHKIL ETILISHI ........ 294-298

*Erhanova Nasiba Absayitovna*
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARINING "TIL VA NUTQ" MARKAZIDA INNOVATSION FAOLIYAT OLIB BORISH ........ 299-303

*Robiya Mannopova*
INNOVATIVE COMPETENCY AS A CORE COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS ........ 304-308

*Qodirov Olim Odilovich*
REFLEKSIV YONDASHUV, UNING MOHIYATI VA KONSEPTUAL ASOSLARI ........ 309-314

*Xaydarova Mahliyo Xabibullayevna*
TARBIYA FANINI O'QITISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI ........ 315-322

*Xasanova Gulsanam Xusanovna*
IJTIMOIY-MADANIY FAOLIYATDA MAGISTRATURA TALABALARINING TASHKILIY-BOSHQARUV KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI ........ 323-328

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ 10 (3)-2023.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

*13.00.00- Педагогика фанлари*

**Эшбеков Сардор Журакулович,**
Фарғона вилояти бўйича Миллий гвардияси бошқармаси офитцери

## ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим омиллари ва ёшларнинг она ёртини севиши, уни ардоқлаши ва турли зарарли диний оқимлардан, «оммавий маданият» ниқоби остида кириб келаётган бузғунчи ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш долзарб масала эканлиги ўрганилган.

**Калит сўзлар:** ватан, ёшлар, ватанпаварлик, жамият, зарарли, тахдидлар, миллат, садоқат, ҳалоллик, садоқат, виждонийлик, бурч.

**Eshbekov Sardor Jurakulovich,**
An officer of the National Guard Department for Fergana region

## AN IMPORTANT FACTOR FOR IMPROVING THE SYSTEM OF EDUCATION OF YOUTH IN THE SPIRIT OF MILITARY PATRIOTISM

**Abstract.** This article examines the important factors of educating young people in the spirit of military patriotism and the fact that it is an urgent issue to protect young people from loving and honoring their motherland and from various harmful religious currents, from the influence of destructive and foreign ideas entering under the guise of "mass culture".

**Key words:** homeland, youth, patriotism, society, harm, threats, nation, loyalty, honesty, loyalty, conscientiousness, duty.

**Эшбеков Сардор Джуракулович,**
Офицер Управления национальной гвардии по Ферганской области

## ВАЖНЫЙ ФАКТОР СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ ВОСПИТАНИЯ МОЛОДЕЖИ В ДУХЕ ВОЕННОГО ПАТРИОТИЗМА

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются важные факторы воспитания молодежи в духе военного патриотизма и то, что актуальным является вопрос защиты молодежи от любви и почитания своей Родины и от различных вредных религиозных течений, от влияния деструктивных и иностранные идеи, проникающие под видом «массовой культуры».

**Ключевые слова:** Родина, молодежь, патриотизм, общество, вред, угрозы, нация, верность, честность, верность, совестливость, долг.

DOI: https://doi.org/10.47390/SP1342V3I10Y2023N41

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида барча соҳалар каби маънавий соҳада ҳам янгича ёндашувлар ва муносабатлар шаклланмоқда. Зеро, бу соҳада бажариладиган ишлар, тадқиқ қилишга муҳтож муаммолар анча йиллардан бери йиғилиб келмоқда эди. Бундай долзарб вазифалардан бири ватанпарварлик тарбиясидир. Ёшларни турли зарарли диний оқимлардан, “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган бузғунчи ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, тўғри йўлдан адашган фуқароларни соғлом турмуш тарзига қайтариш мақсадида олиб борилаётган ишлар биз кутган натижани бермаяптию. [1;140].

Шунинг учун ҳам ёшлар маънавиятини шакллантиришда ватанпарварлик тарбияси муҳим эканлигини, уни шакллантириш ва такомиллаштириш инсоннинг туғилишидан то умрининг охиригача давом этадиган жараён эканлигини уқтириб ўргатиб боришимиз лозим. Ёшларни Ватан ва миллат олдидаги бурч ва масъулиятини ҳис қилишга ўргатиш, қонунларга риоя этиш фазилатларини қарор топтиришдан иборатдир.

Ёшлар, айниқса ўқувчи-ёшлар билан ишлашда энг аввал ички ва ташқи таҳдидларга эътибор бериш талаб этилади. Ғоявий тарбия жараёнида инсон фаолияти аниқ бир ғоявий мақсадга йўналтирилган бўлиб, бу мақсад кўпинча кўзга ташланмайди. Ғоявий тарбиянинг асосий мақсади ёшларда ҳушёрлик, сезгирлик ҳиссини шакллантириш, ёт ва зарарли ғояларга, ички ва ташқи таҳдидларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини шакллантириш демакдир.

Ташки таҳдидлар мамлакатимиз ташқарисидан келадиган тахдидлардир. Ички тахдидлар эса булар-ўз Ватанига, ватандошларига зарар етказишга қаратилган ғоя, фикр, хатти-ҳаракатлар мажмуидир. Носоғлом маҳаллийчилик, юртдошлар ҳаққига хиёнат қилиш, одамларни бой камбағалга бўлиб муомала қилиш, порахўрлик, мансабпарастлик, коррупция, ортиқча мол-дунёга хирс қўйиш, қонун-қоидаларни менсимаслик, бефарқлик, ён-атрофида бўлаётган воқеа ҳодисаларга лоқайдлик, ўзлигини англамаслик, қариндош-уруғчилик ва бошқа иллатлардир. Бу иллатлар қанча кенг тарқалса, юртдошлар ғоявий бирлигига шунча кўп зарар етказади, пароканда қилади, ҳамжихатликка путур етказади.

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида, кишиларнинг онги ва қалбида ватанпарварлик ғоясини шакллантиришда маънавий мерос ва тарихий хотирани тиклаш, уни ўрганиш ва ривожлантириш зарур. Шу билан бирга жамият ва давлатда тинчликни асраб-авайлаш, уни қадрлаш масаласи хам бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Зеро, “фарзандларимизни ўзимиз асрамасак, ўзимиз авайламасак, ўзимиз тарбияламасак, биров четдан келиб бу ишни биз учун бажариб бермайди. Шу сабабли ҳар бир офицер таъсирчан шакл ва усуллардан фойдаланиб, адашган ёшларни тўғри йўлга қайтаришни ҳарбий хизмат каби ўзининг муҳим бурчи деб билиши керак”[2;141].

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — бу миллати, тили ва касбидан қатъий назар, ёшларда Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларининг кўп босқичли, тизимли, мақсадли ва мувофиқлаштирилган фаолиятидир. Демак, юқорида

билдирилган фикрдан шуни англашимиз мумкинки, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик рухида тарбиялаш бир инсоннинг ёки қайсидир бир соҳа вакилларининг иши эмас, балки, ижтимоий тарбиянинг бу тури учун жамиятнинг барча вакиллари масъулдир.

Бу жараёнда биринчи навбатда фуқароларда турли зарарли таъсирларга, салбий иллатларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ва Ватанимиз тақдири учун масъулият туйғусини мутаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимдир.

Шундай экан, таълим тарбия соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир педагог ва масъул тарбиячилар, ёшларни аввало, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга уларнинг онги ва қалбига, она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ғояларини чуқур сингдиришга муҳим вазифа сифатида қараш лозим. Аслида чинакам ватанпарварлик фазилатлари оилада, маҳаллада, ўқув даргоҳларида, ота-оналар, педагоглар томонидан бошқарилади, шакллантирилади. Ёшларга педагоглар томонидан бераётган маълумотлардан шуни англаш лозимки, ўзлари Ватанни қанчалик севсалар, ушбу туйғуни ёшларга шунчалик сингдира оладилар[3;130-131]. Эзгулик, яхшилик, яратувчанлик, фидойилик, мардлик, садоқат, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар кишида ватанпарварлик деган умуминсоний қадриятни шакллантирадиган омиллар бўлиб улар таълим тарбиямизда қарор топади.

Ёшларда ҳарбий ватанпарварлик туйғусини шакллантириш омиллари ва тамойиллари

- Ёшлар ҳарбий хизматчи ахлоқига хос миллийлик ва умумбашарий жиҳатларини ўзлаштириш;

-Ватан равнақи ва юрт фаровонлигини таъминлашга масъулликни ҳис этиш

-Адолат, ҳалоллик, садоқат, виждонийлик, номуслилик, ориятлилик, ғурур каби юксак инсоний фазилатлар мазмун-моҳиятини англаш ва амалда намоён этиш кўникмаларига эга бўлиш

-Ҳарбий ватанпарварликни олий фазилат сифатида қадрлаш, бу фазилат юрт тинчлигини ҳимоя қилиш ва Ватан хавфсизлигини таъминлаш ҳимоя қилишда юксак маънавий бурч эканлигини англаш.

ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ахлоқий маданиятнинг устувор бўлиши билан боғлиқ масала сифатида қаралганда уларнинг шахс сифатидаги фазилатларини қуйидаги компонентга ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) маънавий-ахлоқий билимлар;

б) ҳис-туйғу, эмоциялар;

в) хулқ-атвор, хатти-ҳаракатлар.

Педагогик жараёнда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимининг муҳим таркибий қисми – бу тарбиявий ишлар бўлинмалари асосида, факультетлар, кафедралар, ҳарбий қисмлар, илмий ва ижодий бирлашмаларнинг фаол иштирокида ташкиллаштирилувчи ва амалга оширилувчи оммавий ватанпарварлик ишидир. Бунинг учун "янги давр ўқитувчиларини тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим технологиялари, креатив ёндашувлар ҳақида кўпроқ бош қотиришимиз ва уларнинг ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишимиз зарур. "[4;143]

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида юксак ва самарадор педагогик фаолиятни йўлга қўйиш орқали , ёшларда ҳарбий ватанпарварлик фазилатини шакллантиришда ахлоқий ўз-ўзига баҳо бериш ва ўз-ўзини интизомга чақириш кўникмалари тийиб турувчи омил сифатида шакллантириш зарур. Айниқса, ёшларнинг ватанпарварликни намоён қилиш фаолиятида ахлоқий маданиятнинг миллий кўринишларини шаклланиши жамиятнинг истиқболига, тараққиётига хизмат қилади.

2023 йил 29 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори асосида "Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик рухида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепцияси" ишлаб чиқилди ва у беш босқични ўзида мужассам этган. "Мазкур концепцияда ёшларни харбий-ватанпарварлик рухида тарбиялаш **"Ватан-улуғ, бурч-муқаддас!»** концептуал ғоя остида ташкил этилиб, унда ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш, хар томонлама ривожлантириш, қатъий фикр ва эътиқодга эга шахсни шакллантриш асосий вазифа этиб белгиланди"[5; 2].

Ушбу концепцияда давлат ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини ташкил этиш, унинг натижалари мониторингини юритишни таъминлайдиган асосий институт эканлиги қайд этилди. Давлат ёш авлоднинг тарбия жараёнини оилада, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларида, ҳарбий хизмат давомида, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, турли давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари доирасида ташкил этади.

Ҳозирги мураккаб ва глобаллашув замонда мамлакатимизни турли ички ва ташқи хавфлардан асраш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш билан боғлиқ мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳаётнинг ўзи олдимизга янгидан янги вазифаларни қўймоқда. "Ватанпарварлик – бу шундай нозик, теран бир туйғуки у фақат она сути билан кириши ва жон билан чиқиши мумкин" [6;75].

Ўз киндик қони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она юртни дунёга тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган баркамол авлоднинг мақсад-муддаолари аниқ, ғурур ва ифтихори юксак бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қайси фуқаро ўз мамлакатининг халқаро ҳамжамият ва бадавлат давлатлар қаторига кўтарилишидан манфаатдор эканлигини ҳис қилмоғи, тушуниб етмоғи лозим.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси жисмоний тарбия билан узвий боғлиқ суратда олиб борилганидагина яхши натижа беради. Шунинг учун ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини жисмоний тарбиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Совуққа ва иссиққа бардошли бўлиш, касалликларга тезда берилмаслик, қийинчиликларни енгиш, иродалилик, сабот-матонатлик, тез ва чаққон ҳаракат қила билиш каби Ватан мудофаачисига хос фазилатларни ёшларда ривожлантиришда жисмоний тарбия ва спорт ўйинларининг роли бениҳоят каттадир.

Ёшларни-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни Ватан мудофаасига жисмонан ва маънавий жиҳатдан тайёрлаш зарурлиги ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Умумтаълим ўқув муассасаларида ўқувчиларни, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тайёрлаш эндиликда таълим-тарбия ишларининг барча тизимлари орқали амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, Ватанга нисбатан чинакам садоқат уни ҳимоя қилишга ҳам қодир бўлишни талаб этади. Ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш барча турдаги фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларининг асосий ўрин эгаллаши даркордир.

Ҳарбий таълимини мураккаб ижтимоий-педагогик жараён бўлиб, унда асосан қуйидагиларини англаш лозим:

ёшларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш;

уларда ўз Ватанининг қуролли ҳимоячиси учун зарур шахсий хислатларни тарбиялаш;

комил инсон сифатида ривожлантириш, юзага келган турли вазифаларни ҳал қилишга ижодий ёндашиш малакаларини ривожлантириш ва улар олдида турган вазифаларни бажаришга ва ҳар хил вазиятда муваффақиятли ҳаракат қилишга руҳий тайёрликни шакллантириш

Хулоса қилиб айтганда, ёшларда ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришда тарихий ёндашув ва миллий қадриятлардан фойдаланиш уларда она — ватанга муҳаббат, садоқат, ўз тарихига ҳҳурмат, ўз халқи ўтмишидаги Ёрқин саҳифалардан ифтихор ва юртимизда яшовчи барча халқларга нисбатан ҳурмат, шахсий масъулият, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини химоя қилишга тайёр эканлик ҳиссини тарбиялаш мақсадида олиб борилади. Бундай фазилатлар ҳисси билан тарбияланган инсон ҳамиша ўқиб, тушуниб, тўғри англовчи ва ўқиганларига амал қилувчи киши ҳеч қачон адашмайди.

## Adabiyotlar/Литература/References


1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.452.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.452.
3. Замонавий шароитда ватанпарварлик тарбиясини янада юксалтиришнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси. 2016йил 20 август.–Б. 232.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.452.
5. “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик рухида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепцияси тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Тошкент ш., 2023 йил 29 июндаги 267-сонли. 11-бет.
6. Каримов И. А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон. 2015. –Б.75.

SCIENCE PROBLEMS.UZ

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SP1342V3I10Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 10 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).